



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 16 март, № 52 (7010)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТ РАЎБАРЛАРИНИНГ БИРИНЧИ МАСЛАХАТ УЧРАШУВИ



СУРАТДА: (ўнгдан) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ва Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 март куни Остона шаҳрида ўтган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашувида иштирок этди.

Остона шаҳридаги Оқўрда қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев кутиб олди.

Дастлаб икки давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилдилар. Ўзаро ҳамкорликни изчил ривожлантириш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари ва томонларни кизиктирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Шавкат Мирзиёев мамлакатларимиз ўртасидаги яхши кўшилиқ ва ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётганини қайд этди.

— Кейинги йилларда икки мамлакат ўртасидаги алоқалар жадал раванқ топаёпти. Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2 миллиард АҚШ долларига етгани муносабатларнинг қандай юксак суръатда ривожланаётганини кўрсатади. Мазкур кўрсаткичи 5 миллиард АҚШ долларига етказиш йўлидаги ҳаракатларимиз ҳам яқин вақтларда ўз самарасини беради, — деди Ўзбекистон Президенти.

Нурсултон Назарбоев Шавкат Мирзиёевни Қозоғистонга ташрифи билан қутлаб, бу икки давлат ўртасидаги мулоқотларнинг манتيқий давоми, томонларни кизиктирган масалаларни муҳокама этиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

— Сизнинг ташаббусингиз билан ташкил этилган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг маслаҳат учрашуви минтақа мамлакатларининг барча соҳалардаги ҳамкорлигида муҳим ўрин тутди. Ўтган икки йилда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида эришилган келишувлар тарихий аҳамият касб этди. Биз бир дарёдан сув ичадиган кўшниларибиз. Шундай экан, давлатларимиз ўртасида ҳал этилмаган масала бўлмаслиги керак, — деди Қозоғистон раҳбари.

— Шунини алоҳида таъкидламоқчиманки, Ўзбекистонда олиб бораётган оқилон сиёсатингиз бугун бутун минтақага ижобий таъсир кўрсатмоқда. Сўнгги икки йилда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари фаоллашди. Икки давлат раҳбарлари шу давр ичида олти бора турли даражадаги ташрифлари амалга оширди. Халқаро ва минтақавий ташилотлар доирасида учрашувлар бўлиб ўтди.

Бундан ташқари, турли воқеалар муносабати билан телефон орқали мулоқотлар ва муносабатлар алмашуви ташкил этилди.

2017 йилнинг март ойда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш ва ахил кўшилиқни мустаҳкамлаш тўғрисидаги Қўшма декларация ҳамда турли даражадаги 212 та ҳужжат ўзаро алоқаларнинг шартномавий-ҳуқуқий заминини сезиларли даражада мустаҳкамлади.

Бу ўзаро савдо ҳажми ва турининг изчил ортисида, энергетика ва машинасозлик тармоқларида муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бошланганида, автомобиль, темир йўл ва ҳavo транспорт соҳасидаги ҳамкорлик кенгайганида кузатиш мумкин.

Икки давлат ўртасида товар айирбошлаш ҳажми барқарор ўсиб бормоқда, иқтисодийнинг турли тармоқларида йирик қўшма лойиҳалар амалга ошириляптир. Транспорт қатнови соҳасида амалий ҳамкорлик сезиларли даражада кенгайиб, минтақалар ўртасида шериклик мустаҳкамланмоқда. Ўзбекистон ва Қозоғистонда маданий-гуманитар тадбирлар ўтказилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАЎБАРЛАРИНИНГ МАСЛАХАТ УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

Мухтарам Нурсултон Абишевич! Хурматли делегациялар аъзолари! Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, Қозоғистон Республикаси Президентига ва қозоғистонлик барча дўстларимизга аънанавий меҳмондўстлик ва учрашувимиз юксак даражада ташкил этилгани учун самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви айнан Остона шаҳрида ўтказилаётгани бежиз эмас.

Мухтарам оқсоқолимиз Нурсултон Абишевич минтақавий шерикликни мустаҳкамлаш, иқтисодийнинг турли тармоқларида интеграциялашувни чуқурлаштириш ва маданий-гуманитар алоқаларни изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Ҳaт қисқа муддатда ташкил этилган ушбу саммит, ҳеч шубҳасиз, тарихий воқеадир, десам, ўйлаيمانки, сизлар ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлайсиз.

Бугун Марказий Осиё халқлари ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши кўшилиқ, бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва ҳамкорлик солномасида янги саҳифа очилди.

Биз минтақа давлатлари раҳбарларининг учрашувларини мунтазам ўтказиш ҳақидаги ташаббусни илгари сурар эканмиз, ҳозирги кунда минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш учун бутунлай янги имкониятлар вужудга келаётганига асосланган эдик.

Айниқса, кейинги бир ярим йилда бўлиб ўтган ва қатор долзарб муаммоларнинг амалий ечимини топиш, янги шартнома ва келишувларни имзолаш имконини берган ўзаро ташрифларимиз, мунтазам учрашув ва музокараларимиз принципиал жиҳатдан янги форматдаги ҳамкорлик учун мустаҳкам асос бўлди.

Эришилган натижаларнинг аҳамияти барчамизга маълум. Ўзбекистоннинг Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон билан товар айирбошлаш ҳажми, ўтган йил якунларига қўра, қарийб 3 миллиард долларни ташкил этди, яъни 20 фоиз ортди.

Бу борада ўзаро товар етказиб бериш 2 баробар кўпайди.

Яқин йилларда ўзаро савдо ҳажмини 5 миллиард долларга етказишни мўлжалламоқдамиз.

Биз мамлакатларимизни боғлаб турган энг

муҳим транспорт йўллари қайта тикладик ва модернизация қилдик, янги ер усти ва ҳavo йўллари очдик. Ўзаро жорий қилинган чегирмалар натижасида юк ташиш, аввало транзит ҳажми ортиб бормоқда.

Чегараларимиздаги ўтказиш пунктлари ўз фаолиятини қайта йўлга қўйди, биз уларнинг ўтказувчанлик имкониятини кенгайтирмоқдамиз. Чегара идоралари ва божхона органларининг самарали ҳамкорлиги йўлга қўйилмоқда.

Бир нечта мисол келтирмоқчиман. Масалан, ўз фаолиятини қайта тиклаган ўтказиш пунктлари орқали ишбилармонлик ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни фаоллаштириш доирасида ўз қариндошлари билан учрашиш ва сайёҳлик объектиларини кўриш мақсадида давлатларимиз чегараларидан ҳар куни ўн минглаб фуқароларимиз ўтмоқда.

Бундан ташқари, чегаралар ва йўللар очилиши тўғрисида ички бозорларимиздаги товарларнинг алоҳида турлари 20 фоиз арзонлашгани кузатиш мумкин.

Ҳеч шубҳасиз, бундай имкониятлардан аввало фуқароларимиз фойда кўрмоқда. Бу — ҳамкорликдаги ишларимизнинг амалий самарасидир.

Булариинг барчаси минтақамизда мамлакатларимиз халқлари манфаатларига хизмат қиладиган улкан салоҳият мавжуд эканидан далolat беради.

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига қўра, Марказий Осиё давлатларининг иқтисодийнинг турли тармоқлари бўйича ҳамкорлиги кенгайтириш минтақа ялпи ички маҳсулотини яқин 10 йилда камидан икки баробар ошириш имконини беради.

Ҳамкорликдаги барча савий-ҳаракатларимиз, лойиҳа ва дастурларимиз, ҳеч шубҳасиз, ўзаро ишонч ва ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаб, халқларимиз томонидан қўллаб-қувватланаётган ва уларнинг манфаатларига тўлиқ жавоб берадиган минтақавий ҳамкорликни изчил ривожлантирмоқда ва мазмундан бойитмоқда.

Шу муносабат билан учрашувимизни ҳар йили баҳор байрами — Наврўз арафасида навбати билан давлатларнинг бирида ўтказиб боришни тақлиф этамиз. Кейинги мана шундай учрашувни Тошкент шаҳрида ўтказишни тақлиф қиламан.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ҚОЗОҒИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН ЙИЛИ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Мухтарам Нурсултон Абишевич! Хурматли давлатлар ва делегациялар раҳбарлари!

Аввало, бугун қутлуқ ва саховатли Қозоғистон заминида ўзимизни ўз уйимиздагидек, орзу-умид ва интилишлари муштарак бўлган ягона ахил оила аъзоларидек ҳис этаётганимизни алоҳида таъкидламоқчиман.

Қозоғистон Республикаси Президенти, қардошим ва дўстим, мухтарам Нурсултон Абишевич Назарбоевга Қозоғистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси йилини ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси ва қарори учун чуқур миннатдорлик билдирмоқчиман.

Кўп йиллик самарали ҳамкорлигимиз тарихида биринчи марта бўлиб ўтаётган ушбу ноб ҳолат халқларимиз ўртасидаги ҳақиқий қардошлиқ муносабатларининг ёрқин ифодасидир.

Яратганимиз ўзи бизга қўшни бўлишдек бебаҳо неъматни ато этган. Бизнинг донишманд ота-боболаримиз “Ховли олма, қўшни ол”, деб бежиз айтишмаган. Биз азал-азалдан бир заминда, бир қўш остида яшаб келмоқдамиз, бизнинг илдиларимиз бир.

Халқларимизнинг Абу Райхон Беруний ва Абу Наср Форобий, Хўжа Аҳмад Яссавий ва Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий ва Абай Қўноқбоев, Ойбек ва Мухтор Азевос, Фафур Фулом ва Собит Муқоносов каби улғунамояндалари ва бошқа кўплаб атоқли олимлар, мутафаккир ва шоирлар мероси бизнинг умумий бойлигимиздир.

Биз инсонпарварлик ва эзгулик гоғялари билан йўрилган бу маънавий меросни асраб-авайлашимиз ва бойитишимиз лозим.

Айнан шу нуктаи назардан қараганда, кейинги пайтда сиёсий иродамиз ва ўзаро интилишларимиз тўғрисидаги дўстлик, яхши кўшилиқлик ва стратегик шериклик алоқаларини мустаҳкамлаш йўлида ҳамкорлигимизнинг барча йўналишлари бўйича ҳақиқатан ҳам улкан натижаларга эришдик.

Худудларимиз ўртасидаги яқин алоқалар, одамларнинг ўзаро очик мулоқоти ва дўстлиги, маданий алоқаларнинг фаоллашгани эзгу мақсад — халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қилмоқда.

Бу ютуқларга халқаро миқёсдаги йирик давлат ва сиёсат арбоби, Қозоғистон Республикаси Президенти мухтарам Нурсултон Абишевич Назарбоевнинг улкан савий-ҳаракатлари тўғрисида эришилганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Барчамизга яхши маълумки, Марказий Осиё мамлакатларининг минтақамиз тинчлиги, барқарорлиги ва тараққиёти, бугунги ва келгуси авлодларнинг фаровонлиги йўлида ўзаро инте-

рациялашувни ташаббускори ҳам айнан хурматли оқсоқолимиз Нурсултон Абишевичдир.

Унинг доно раҳбарлигида амалга оширилаётган изчил сиёсий ўзгаришлар ва иқтисодий ислохотлар, узоқни қўллаб, чуқур ўйлаб илгари суриляётган глобал ва минтақавий миқёсдаги ташаббуслар бутун дунёда эътироф этиляётгани ҳаммамизни хурсанд қиладди.

Қозоғистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хафсизлик Кенгашидаги муваффақиятли раислиги, сизнинг мамлакатингизда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг тарихий мажлиси, ЭКСПО — 2017 бутунжаҳон кўргазмасининг юксак даражада ташкил этилгани, Ислол ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар бўйича биринчи саммити ва бошқа кўплаб йирик халқаро тадбирлар Қозоғистоннинг юксак халқаро нуфузидан яққол далolat беради.

Бугун Остона шаҳрида узоқ йиллар мобайнида биринчи марта Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувини ўтказдик.

Булариинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, нафақат Қозоғистоннинг улкан салоҳиятига, балки бутун Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари билан ҳамкорлик борасидаги кенг имкониятларга жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратишга хизмат қилди.

Хурматли дўстлар!

Биз учун Қозоғистон замонлар ва ҳаёт синовидан ўтган, кўп асрлик дўстлик ва қардошлиқ ришталари билан чамбарчас боғланган яқин кўшилиқдир.

Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, буюк Абайнинг куйидаги сўзларини эсга оламиз:

Эй инсон, ор-номус дилдошинг бўлсин, Боблар ҳикмати қўлдошинг бўлсин. Мол-дунё, шон-шухрат — барчаси бекор, Жондош, содик дўст, йўлдошинг бўлсин.

Ишончим комил, бу ҳикматли сўзлар нафақат бугунги тантанали маросим, балки мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатларнинг шioriга айланади.

Шу муносабат билан кунги кеча қозоқ халқининг буюқ фарзанди, шоири ва мутафаккири, гуманисти Абай Қўноқбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб этиш тўғрисида Ўзбекистон Президентининг қарори қабул қилинганини маълум қилмоқчиман. Бу улғунотнинг безавол ўғитлари бугун ҳам ўз долзарблиги ва аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Қарлиғабий сифатида ҳам машҳур бўлган буюқ Тўлабийнинг мақбараси Тошкентда жойлашгани, ушбу маскан ўзбеклар учун ҳам, қозоқ дўстларимиз учун ҳам муқаддас зиёратгоҳ эканидан биз фахрланамиз.

Мухтарам Нурсултон Абишевич, ўтган йили Ўзбекистонда давлат ташрифингиз давомида биргаликда ана шу табарруқ масканни зиёрат қилиб, халқларимизни тинч-тотув ва ахил яшашига даъват этган ушбу буюқ шахс хотирасига ҳурмат бажо келтирганимизни яхши эслайман.

Ўйлаيمانки, тобора мустаҳкамланиб бораётган самимий муносабатларимиздан буюк аждодларимизнинг руҳлари шод бўлади.

Дарҳақиқат, халқларимиз бир-бирига ҳаммаша таянч ва суянч бўлиб келган.

Тарихимиз муштараклиги ва ўзаро яқинлигимиз ҳозирги дунёнинг мураккаб муаммоларини биргаликда ҳал этиш, биз учун умумий таҳдидларга қарши самарали курашиш, янги авлодлар учун келажакни биргаликда куришда ёрдам бермоқда.

Биз — қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, тожиклар ва ўзбеклар, гўзал Марказий Осиёда иштикомат қилаётган барча миллат ва эллар вакиллари биргаликда тинч-тотув, дўст-иноқ бўлиб яшашимиз тақдирининг ўзи томонидан белгилаб берилган.

Шунинг учун ҳам биз умумий уйимизни, фарзандларимизни турли низо ва қарама-қаршилиқлардан ҳимоя қилиш, минтақамизда тинчлик ва фаровонлик ҳукм суришини таъминлаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз зарур.

Азиз дўстлар!

“Остона опера” саройининг ушбу кўркам залида Ўзбекистон санъат усталари томонидан намойиш этиладиган бугунги концерт халқларимизнинг ўзаро яқинлиги, маданиятимиз, аънава ва урф-одатларимиз ўхшаш эканига яна бир ёрқин мисолдир.

Ўзбекистоннинг истеъдодли санъаткорлари томонидан ижро этиладиган куй-қўшиқлар, уларнинг сизлар билан учрашувдан оладиган қувонч ва шодликлари Қозоғистонда Ўзбекистон йилини ўтказиш бўйича режалаштирилган биргаликдаги барча тадбирларга алоҳида руҳ ва кайфият бағишлайди.

Аминманки, ушбу тадбирларнинг муваффақиятли ўтказилиши давлатларимиз ўртасидаги яхши кўшилиқлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қиладди.

Қадри дўстлар!

Самимий қабул ва меҳмондўстлик учун сизларга яна бир бор чуқур миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният бағишлайди. Фурсатдан фойдаланиб, сизларни ва сизлар орқали минтақамизнинг барча қардош халқларини кириб келаётган гўзал баҳор байрами — Наврўзи олам билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Куйидаги асосий вазифаларни ҳал этишни ҳамкорлигимизнинг устувор йўналишлари сифатида белгилаб олишни таклиф этаман:

Биринчидан, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш соҳасида самарали минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш учун янги заҳира ва амалий механизмларни ишлаш;

Иккинчидан, савдо-иқтисодий, инновация, инвестиция, транспорт-коммуникация, банк-молия, сув-энергетика ва маданий-гуманитар соҳалардаги шериклик бўйича аниқ дастурлар — "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш;

Учинчидан, энг долзарб халқаро ва минтақавий масалалар бўйича кенг фикр алмашиш, улар бўйича умумий позицияни келишиб олиш ҳамда уни кейин БМТ, МДХ, ШХТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида илгари суриш.

Ўтган йил ноябрь ойида Самарқандда БМТ шафелигида ўтган халқаро конференция шуни кўрсатдики, тизимли мулоқот, барча томонларнинг манфаатларини инобатга олиш ва оқилона муроаса асосида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Сизларга яхши маълумки, ушбу конференция якунида биз биргаликда БМТ Бош Ассамблеясига махсус резолюция қабул қилиш бўйича мурожаат қилдик.

Ана шу ҳужжатнинг қабул қилиниши Марказий Осиёда тинчлик, хавфсизлик ва исчил тараққиётни таъминлаш борасида биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизнинг халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланишига эришиш имконини беради.

Ўзбекистон минтақамиз давлатлари билан очик, ўзаро манфаатли ва яқин ҳамкорликни кенгайтириш ва мустақамлашга тайёр эканини яна бир бор қайд этишни зарур, деб биламан.

Бу — бизнинг ташқи сиёсатимизнинг энг асосий устувор йўналишидир.

Муҳтарам Нурсултон Абишевич! Хурматли учрашув иштирокчилари!

Минтақавий ҳамкорликнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича аниқ механизмлар борасида Ўзбекистоннинг нуктаи назари хусусида сўз юритишга ижозат бергайсиз.

Биринчидан. Минтақадаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш.

Куйидагилар ушбу вазифани амалга оширишнинг энг муҳим асосларидир:

— мамлакатларимиз ўртасидаги эркин савдо тартибининг тўлақонли фаолиятини йўлга қўйиш;

— чегараолди ҳудудлардаги савдони, ишлаб чиқариш кооперациясини жадал ривожлантириш, шунингдек, мамлакатларимиз ҳудудлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш.

Бу том маънода улкан салоҳиятга эга бўлган йирик минтақавий бозорни шакллантириш имконини беради.

Кўшма дастурлар ишлаб чиқиш учун жорий йилда Тошкентда биринчи Минтақавий иқтисодий форум ўтказишни таклиф этамиз.

Бу мамлакатларимиз ишбилармон доиралари ва етакчи хорижий инвесторлар ўртасида аниқ лойиҳаларни амалга ошириш учун бевосита мулоқот ўрнатиш имконини яратяди.

Иккинчидан. Марказий Осиё минтақасининг транзит-логистика

салоҳиятини тубдан ошириш — саъй-ҳаракатларимизни бирлаштиришни тақозо этадиган ғоят муҳим стратегик йўналишидир.

Марказий Осиёни йирик денгиз портлари ва жаҳон бозорлари билан боғлаш имконини берадиган транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш биз учун устувор йўналиш бўлиши лозим, деган фикрни қўллаб-қувватлайсиз, деб ўйлайман.

Шу нуктаи назардан, куйидагиларни таклиф этамиз:

— Халқаро транспорт ва транзит йўлаги тўғрисидаги Ашхобод битими доирасида биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан Марказий Осиё — Форс кўрфази трансминтақавий йўналишидан самарали фойдаланиш;

— Жанубий Осиёга чиқадиган Трансафгон йўлагини шакллантириш, шунингдек, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон автомобиль ва темир йўл магистралларини қуришга киришиш;

— Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммитида россиялик шериклар томонидан таклиф этилган ШХТ йўларини ривожлантириш дастурини келишишни тезлаштириш ва қабул қилиш.

Шу билан бирга, божхона ва маъмурий тартиб-таомилларни янада соддалаштириш ва унификация қилиш, юкларни ташини ва уларнинг транзити бўйича икки томонлама имтиёзли тарифларни шакллантириш бўйича ўзаро келишилган чора-тадбирларни қабул қилиш бугунги кундаги кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Ана шу умумминтақавий вазифаларни амалга ошириш мақсадида биз жорий йилнинг октябрь ойида Тошкентда "Марказий Осиё халқаро транспорт коридорлари тизимида: стратегик истиқболлар ва амалга оширилмаган имкониятлар"

мавзуида халқаро конференция ўтказишни режалаштирганмиз.

Ушбу анжуманда Марказий Осиёнинг барча мамлакатларидан вакиллар фаол иштирок этишига ишонамиз.

Учинчидан. Марказий Осиё халқларининг фаровонлиги ва бутун минтақанинг иқтисодий тараққиёти азал-азалдан сув ресурслари билан қанчалик таъминлангани билан боғлиқ бўлган. Фақат биргаликда ҳаракат қилиб, ушбу муҳим масалани ҳақиқий ечимини топишимиз мумкин.

Орол фожиаси оқибатларини бартафоз этиш бўйича мамлакатларимиз ва жаҳон ҳамжамиятининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари самарадорлигини янада ошириш долзарб вазифадир.

Тўртинчидан. Самарали минтақавий ҳамкорликнинг асосий шартларидан бири — маданий-гуманитар ҳамкорликни янада ривожлантиришдан иборат.

Минтақада дўстлик, яхши қўшничилик, ўзаро англашув ва барқарорлик муҳитини мустақамлашда бу соҳанинг ўрни ва роли бекиёсидир.

Куйидаги соҳаларда ҳамкорлик қилиш доимо эътиборимиз марказида бўлиши лозим:

— таълим ва илм-фан соҳасида, жумладан, олий таълим муассасаларимиз ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантириш;

— минтақада ички туризмни ривожлантириш ва ҳамкорликда ишлаб чиқариладиган сайёҳлик маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқиш;

— мамлакатларимиз аҳолисининг кўп қисмини ёшлар ташкил этишини инобатга олиб, ёшлар ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш. Минтақамиз мамлакатлари делегацияларини жорий йил июнь ойида Самарқандда бўлиб ўтадиган

Марказий Осиё ёшлари форумига таклиф этаман.

Бундан ташқари, мамлакатларимизда маданият, санъат ва кино кунларини, спорт тадбирларини мунтазам ўтказиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Хурматли давлат раҳбарлари! Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлигимизнинг қатор муҳим масалаларига алоҳида тўхталмоқчиман.

Биринчидан. Давлат чегараларини ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш бўйича йўлга қўйилган ўзаро ишларимизни исчил давом эттиришимиз зарур.

Ишончим комил, биз ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш, оқилона муроасалар асосида ушбу ғоят муҳим муаммони тез муддатда тўлиқ ҳал қилишга эришамиз.

Чегараларимиз дўстлик ва яхши қўшничилик кўпригига айланишига астойдил ишонаман.

Иккинчидан. Бугунги кунда минтақа мамлакатлари терроризм, диний экстремизм, трансмилий ўюлган жиноятчилик ва наркотрафик таҳдидларига дуч келмоқда.

Ушбу хатарларга қарши фақат саъй-ҳаракатларни бирлаштириш орқалигина самарали курашиш мумкин.

Шу муносабат билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва махсус хизматлар йўналишида амалий ҳамкорликни ва ўз вақтида ахборот алмашишни давом эттириш жуда муҳим ва долзарб аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Учинчидан. Экстремизм мафқурасига қарши курашиш, шу мақсадда аҳоли, аввало, ёшларга ислом динининг ҳақиқий инсонпарварлик муҳиятини етказиш энг муҳим вазифадир.

Шу муносабат билан Ўзбекистонда Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ислом

цивилизацияси маркази ва Ислом академиясини ташкил этдик.

Тўртинчидан. Марказий Осиёнинг барқарор ва исчил тараққиётини таъминлаш қўшни Афғонистонда тинчликка эришиш билан узвий боғлиқ.

Бу муаммони ҳал этишда тинч музокаралар ўтказишдан бошқа муқобил йўл йўқ эканини эътиборга олиб, Ўзбекистон ва Афғонистон жорий йилнинг 26-27 март кунлари Тошкентда Афғонистон бўйича олий даражадаги халқаро конференция ўтказиш тўғрисида ташаббус билан чиқдик.

Биз ана шу ташаббусни қўллаб-қувватлагани учун Марказий Осиё давлатлари раҳбарларидан миннатдоримиз, бу умумий манфаатларимиз учун жуда муҳим аҳамиятга эга.

Бешинчидан. Биринчи навбатда чегараолди ҳудудларда фавулодда ҳолатлар, техноген ва экологик фалокатлар, табиий офатларнинг олдини олиш ва уларнинг вужудга келишига қарши ўз вақтида ҳаракат қилиш бўйича ҳамкорлик механизмларини яратиш зарур.

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Учрашувимиз давомида очик фикр алмашиш, минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари бўйича амалий ечимларни муҳокама қилиш ва қабул қилиш бутун Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва исчил тараққиётни янада мустақамлашда муҳим қадам бўлишига ишонаман.

Сўзимни якунлар эканман, Сиз, хурматли ҳамкасбларим ва дўстларимни, Сизлар орқали қардош Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон халқларини яқинлашиб келаётган баҳор ва янгилини байрами — Наврўзи олам билан самимий муборакбод этаман.

Барчангизга тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт тилайман. Эътиборингиз учун раҳмат.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ БИРИНЧИ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Ўзбекистон ва Қозогистон Президентлари икки томонлама муносабатларни ривожлантириш масалалари ҳамда томонларни қизқитириган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашди.

Шундан сўнг Марказий Осиё давлат раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви бошланди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари 2017 йилнинг 10 ноябрь куни БМТ шафелигида Самарқанд шаҳрида ўтган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзуидаги халқаро конференцияда мазкур учрашувни ўтказиш таклифини илгари сурган эди. Ушанда бу ташаббусни минтақадаги барча давлатлар ва халқаро ташкилотлар қўллаб-қувватлаган ва Қозогистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев биринчи учрашувни Остонада ўтказишни таклиф қилганди.

Олий даражадаги учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Қозогистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, Туркменистон Республикаси Махлиси раиси Акжа Нурбердиева иштирок этди.

Учрашувни Қозогистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев очди.

Саммитда минтақа мамлакатлари ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш, терроризм, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига қарши биргаликда курашиш, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустақамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидландики, Марказий Осиё нафақат географик ва геосиёсий, балки қадриятлари муштарак ягона маданий макондир. Шу нуктаи назардан, мамлакатларимиз ўрта-

сида минтақаларо ҳамкорлик масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу Марказий Осиёда барқарор ривожланишни таъминлаган ҳолда, мамлакатларимиз ҳудудларининг sanoat, инвестиция ва интеллектуал соҳалардаги салоҳиятини тўла ишга солиш имконини беради.

Давлат раҳбарлари МДХ, ШХТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар механизмлари доирасида ўзаро ҳамкорликни янада мустақамлаш зарурлигини қайд этди. Учрашувда минтақа мамлакатлари ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир кенг кўламли масалалар кўриб чиқилди.

Марказий Осиё мамлакатлари халқларини кўп минг йиллик қардошлик ва яхши қўшнилик ришталари боғлаб туради. Тарих, дин, умумий маданият ва анъаналар бирлаштиради. Минтақамизда дунё тамаддуни ривожига улкан таъсир кўрсатган ноёб маданият ва тараққиёт мавжуд бўлиб, бу Марказий Осиё мамлакатларининг умумий келажаги, барқарор ривожланиши ва фаровонлигини таъминлашда мустақам пойдевор бўла олади.

Кейинги йилларда минтақа давлатлари яхши қўшнилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойиллари асосида савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар соҳаларда, хавфсизлик ва барқарорлик масалаларида ўз салоҳиятини намоён этмоқда. Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққиёт этган минтақага айлантириш йўлида собитқадам бўлмоқда. Давлатлар умумминтақа манфаатларидан келиб чиқиб, чегара, сувдан фойдаланиш, транспорт ва савдо сингари ўткир масалаларга самарали ечим топмоқда.

Жумладан, бир неча йиллардан буён муаммолари масала сифатида қараб келинган Ўзбекистон, Қозогистон ва Туркменистон давлат чегараларининг туташган нуктаси

худуди ҳақида шартнома имзоланди. Ўзбекистон ва Қирғизистон ўз чегараларининг 85 фоизи юзасидан келишувга эришди. Транспорт соҳасидаги ҳамкорлик борган сари кенгаймоқда. Тожикистон билан тўғридан-тўғри авиа, темир йўл ва автомобиль қатнови тикланди. Амударёдан ўтадиган Туркманобод — Фороб янги темир ва автомобиль йўллари кўприклари ишга туширилди. Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли қурилиши бўйича келишувга эришилди.

Ўзбекистон томонининг ташаббуси билан минтақа мамлакатлари ишбилармон доиралари ҳамда етакчи корхоналари вакиллари иштирокда қўллаб-қувватлаш ўтказилди. Бу иқтисодий алоқаларни сезиларли равишда фаоллаштириш ва ўзаро савдо ҳажминини ошириш имконини берди. Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари билан товар айланмаси ўртача 20 — 30 фоиз ўсди.

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг барча давлатлари билан умумий чегарага эга. Мамлакатимиз тараққиётининг чегараларимиз хавфсизлигини давлат сурасидан оқилона тақсимлашга бўлган барча муҳим ҳаётий масалаларини ҳал этиш минтақа давлатлари билан муносабатларимизга бевосита боғлиқ. Транспорт-коммуникация ва энергетика соҳаларидаги йирик минтақавий лойиҳаларни қўшни мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик қилмасдан, уларнинг юксак даражада интеграциялашувини таъминлашмасдан амалга ошириб бўлмайди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари минтақавий ва халқаро ҳамкорликни кенгайтиришда Марказий Осиё давлатларининг савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантириш, бу борада мунтазам мулоқотни йўлга қўйиш, умумминтақавий муаммоларга биргаликда ечим топиш мақсадида Марказий Осиё давлат раҳбарларининг маслаҳат учрашувини доимий ўтказиш эндиликда анъанага айланиши кераклигини таъкидлади.

Хавфсизлик масалалари муҳокама қилинар экан, бугунги кунда минтақанинг барча мамлакатлари терроризм, диний экстремизм, трансмилий жиноятчилик ва наркотрафик таҳдидларига дуч келаётгани қайд этилди.

Афғонистонда ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани тиклаш, унинг минтақавий иқтисодий жараёнларга қўшилишига ҳар томонлама кўмаклашиш, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар иштирокида ушбу мамлакат ёшларининг турли террористик ва экстремистик тузилмалар таъсирига тушиб қолишига йўл қўймаслик бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Таъкидландики, давлат чегараларини делимитация қилиш борасидаги масалаларни ҳал этиш бўйича исчил йўлга қўйилган ва биргаликда чуқур йўлаб амалга оширилаётган ишларни давом эттириш зарур. Минтақада сув ресурсларидан адолатли фойдаланиш масаласи иштирокчиларнинг диққат марказида бўлди.

Орол денгизининг экологик ҳалокати юзасидан минтақавий ва халқаро даражада саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ушбу муаммага қарши муносиб чора қўришнинг асосий омили эканлиги таъкидланди.

Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида инновацион фаолият йўналишида ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, давлатлар ўртасида экспорт-импорт масаласида бир-бирини қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам фикрлашилди.

Минтақа мамлакатлари ўртасида маданий-гуманитар алоқалар, дўстлик ва яхши қўшнилик муносабатларини мустақамлаш масаласи ҳам кун тартибидан ўрин олди. Бу Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорликни жадаллаштиришнинг асосий шартларидан бири сифатида эътироф этилди. Маданий-гуманитар мулоқотни исчил давом эттириш, мамлакатлар ўртасида маданият кунлари ва турли маданий тадбирларни ташкил этиш, таълим ва сайёҳлик соҳасидаги алмашув-

ларни ривожлантириш лозимлиги қайд этилди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Қозогистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Марказий Осиё давлат раҳбарларининг маслаҳат учрашуви самарали ўтгани, бу каби учрашувлар ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Марказий Осиё давлат раҳбарларининг кейинги маслаҳат учрашувини 2019 йил Наврўз байрами арафасида Тошкентда ўтказишга келишиб олинди.

Ўзбекистон минтақа мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни янада мустақамлаш тарафдори. Сўнгги икки йилда давлатимиз раҳбари Туркменистон, Қозогистон, Қирғизистон ва Тожикистонга бориб, ўзаро алоқаларни мустақамлаш йўлида муҳим қадамларни қўйди. Биргина Қозогистон билан икки томонлама товар айирбошлаш ҳажмини 2 миллиард АҚШ долларига қиқаришга муваффақ бўлинди. Томонлар 2020 йилда мазкур кўрсаткични 5 миллиард АҚШ долларига етказишни режалаштирган.

Ўзбекистонда қозогистонлик инвесторлар иштирокида 260 та корхона фаолияти йўлга қўйилган бўлса, қўшни давлатда юртимиз ишбилармонлари иштирокида 105 та бизнес субъекти фаолият олиб бормоқда. 2017 йил Остона ва Тошкент шаҳарларида бўлиб ўтган бизнес форумлари натижаси бўйича умумий қиймати 1,2 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi келишувларга эришилди. Сиёсий жабҳадаги мулоқотлар ривож иқтисодий алоқаларни янада жадаллаштириш учун қулай муҳит яратяди.

Бу нафақат савдо айланмаси ва сармоёлар ҳажмини кенгайтиришга хизмат қилади, балки маданий-гуманитар алоқалар ривожини ҳам кафолатлайди.

Ўтган йилнинг сентябрь ойида икки давлат раҳбарлари 2018 йилда Қозогистонда Ўзбекистон йили ҳамда 2019 йилда Ўзбекистонда Қозогистон йилини ўтказишга келишиб олган эди.

Қозогистон Республикаси 2018 йилни мамлакатда Ўзбекистон йили деб эълон қилди. Бу қозоқ эли ва Қозогистон давлатининг ўзбек халқига ҳурмати, юртимизга юксак эътироби рамзидир.

Шу муносабат билан "Остона опера" театрида тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон Президентлари ва Марказий Осиё давлатлари делегациялари аъзолари, дипломатик корпус вакиллари, хорижий фахрий меҳмонлар иштирок этди.

Маросимда Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев нутқ сўзладилар. Ўзбекистон ва Қозогистон раҳбарлари мазкур йирик тадбир икки халқ ўртасидаги маданий алоқаларни янада ривожлантириш, ўзаро таъриба алмашиш ва дўстлик ришталарини мустақамлашда муҳим роль ўйнашини таъкидладилар.

Қозогистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев икки томонлама муносабатларни ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни биринчи даражада "Дўстлик" ордени билан мукофотлади.

Қозогистон Республикасида Ўзбекистон йили очик, деб эълон қилинди.

Ўзбек санъат усталарининг чиқишлари йиғилганларга кутаринки кайфият бағишлади.

Қозогистонда Ўзбекистон йили доирасида маданий-маърифий тадбирлар, ижодий учрашувлар, фестиваллар ўтказиш, Қозогистон маданият ахлининг Ўзбекистонга таширфлари амалга оширилиши мўлжалланган.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қозогистон Республикасига таширфи ниҳоясига етди. Марказий Осиё давлат раҳбарларининг маслаҳат учрашувида муҳокама этилган масалалар минтақанинг ҳали ишга солинмаган ноёб имкониятлар ва улкан салоҳиятга эга экани, бу ерда тараққиёт, барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш — мазкур давлатлар тўлиқ эриша оладиган муштарак муваффақият эканидан далолат бермоқда.

Абу Бакр ҲАҚИМОВ,
ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ.
Тошкент — Остона — Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ҚОРАКЎЛЧИЛИК СОҲАСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда қоракўл маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ва уларнинг турларини кўпайтиришга қаратилган кенг қўламли таркибий ўзгаришлар амалга оширилди.

Ўтган давр мобайнида қоракўл зотли қўиларнинг бош сони қарийб 2 баравар кўпайиб, соҳада олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қоракўл қўиларининг янги турлари ва чўл озқабоб экинларининг янги навлари яратилди.

Шу билан бирга, қўйдагилар қоракўлчилик соҳасининг жадал ривожланишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда:

биринчидан, қоракўл зотли қўиларнинг ирсий хусусиятлари бузилиши, қўилар тана ҳажмининг кичиклашиши;

иккинчидан, чўлда озуқа ишлаб чиқаришни интенсификациялаштиришнинг илмий ва амалий асослари яратилмаганилиги, чўл озқабоб ўсимликлари истикболли навларининг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш ишлари йўлга қўйилмаганилиги;

учинчидан, яйловларни ривожлантириш ва уларнинг ҳосилдорлигини оширишга қаратилган илмий ва инновацион ишланмаларнинг жорий этилмаганилиги, яйловлардаги мавжуд сув иншоотларининг асқирганлиги;

тўртинчидан, қоракўлчилик билан шугулланаётган ҳўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли томонидан етиштирилган қўй териси, қоракўл териси ва жунини харид қилиш, улarga озуқа маҳсулотлари етказиб беришнинг ягона тизими мавжуд эмаслиги;

бешинчидан, қоракўлчилик маҳсулотларини қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган қорхоналарнинг модернизация қилинмаганилиги, ушбу соҳада янги замонавий технологиялар асосида фаолият юритувчи қорхоналарнинг барпо этилмаганилиги;

олтинчидан, қоракўлчилик соҳасида фаолият юритаётган ходимларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш механизмизмининг мавжуд эмаслиги ҳамда уларнинг кўнимсизлиги.

Қоракўлчилик соҳасини янада ислоҳ қилишни таъминлаш, соҳада наслчилик ишларини илмий асосда йўлга қўйиш ва жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган сифатли қоракўл териларини етиштириш, Бухоро қоракўли нуфузини қайта тиклаш ва соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш, қоракўлчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва яйловлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадига:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Республика "Қоракўлчилик" уюшмаси, Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази ва Бухоро вилояти ҳокимлигининг:

Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг Бухоро филиалини (кейинги ўринларда — Филиал);

Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказига қарашли **Бухорочўл яйлов озқабоб ўсимликлар уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш марказини** (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифларни маъқуллансин.

2. Филиалнинг тузилмаси 1-иловага мувофиқ ва Марказнинг тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази бош директориغا, зарур ҳолларда, Филиалнинг ва Марказнинг тузилмаларига ходимларнинг тасдиқланган умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш жағвармаси доирасида ўзгаришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Қўйдагилар Филиалнинг асосий вазибалари этиб белгилансин:

наслчилик ва сунъий уруғлантириш ишларини илмий асосда тизимли ташкил этиш, бунда қўimmatли, экспортбўй яримдоира қаламгул, қовурғасимон, яссикул типларидаги сур ва қора рангли қоракўл қўйлари селекциясини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш;

Бухоро вилоятининг қоракўлчиликка ихтисослаштирилган фермер ҳўжаликларини илмий ишланмаларни амалиётда синая ва унинг иjobий натижаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш;

насли қўнкорларнинг ранги ва тип бўйича худудлар ҳамда ҳўжаликлар кесимида алмашинувини ташкил этиш; қоракўлчилик соҳаси ривожланган хорижий давлатларнинг тажрибаси ва қоракўлчиликка олиб бориладиган наслчилик ва селекция ишларини ўрганиш ва бу борада эришилган илгор ютуқларни жорий этиш.

4. Қўйдагилар Марказнинг асосий вазибалари этиб белгилансин:

чўл худудларида озуқа ишлаб чиқаришни интенсификациялаштириш илмий ва амалий асосларини яратиш, чўл озқабоб ўсимликлар истикболли навларининг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш;

чўл озқабоб экинлари уруғликлари етиштириладиган майдонларда илгор агротехник тадбирларни жорий қилиш, ушбу майдонларни сифатли уруғликлар билан таъминлаш ва уруғлик етиштириш ҳажмини ошириш;

яйловлар тупроқ иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, мос навларни танлаш ва уларнинг уруғларини жадал кўпайтириш;

инкирозга учраган яйлов майдонларини аниқлаш ва уларни тиклаш ҳамда ҳосилдорлигини ошириш учун чўл озқабоб экинларини экиш ишларини ташкил этиш;

қоракўлчиликка ихтисослаштирилган ҳўжаликларнинг талабига асосан, озқабоб экинлар уруғларини етказиб бериш.

5. Бухоро вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Республика "Қоракўлчилик" уюшмаси билан биргаликда Марказ томонидан чўл озқабоб ўсимликлар уруғларини етиштириш мақсадига Бухоро вилоятининг тупроқ ва иқлим шароитидан келиб чиқиб 4 та участка ташкил этиб, улarga жами **1 000 гектар яйлов Ер майдонлари ажратиб бериш**;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган қорхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда Филиал ва Марказни бир бинода жойлаштириш чораларини кўрсин.

Марказ республиканинг бошқа вилоятларида ҳам ўз филиалларини ташкил этиши ва келгусида Марказ ҳамда унинг филиаллари фаолиятини давлат-хусусий шерикчилик асосида йўлга қўйиши мумкинлиги белгилансин.

6. Қўйдагилар Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти (кейинги ўринларда — Институт), Филиал ва Марказ фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

Институт, Филиал ва Марказни сақлаш, шу жумладан, ходимларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни амалга ошириш учун ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари;

ҳўжалик фаолиятидан олинладиган даромадлар; халқаро молиявий ва бошқа институтлар, хорижий ташкилотларнинг грантлари, шунингдек, қонунчилик билан таққилланган бошқа манбалар;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар натижалари бўйича ажратиладиган грант маблағлари.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ажратиладиган грант маблағлари қоракўлчилик соҳаси бўйича амалга оширилаётган аниқ ишланма ва лойиха ташаббускорларини рағбатлантириш мақсадлари учун йўналтирилиши белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Институт, Филиал ва Марказни сақлаш, ходимлар учун бюджет ҳисобидан иш ҳақи тўлаш билан боғлиқ харажатлар учун зарур маблағларни 2018 йил 1 апрелдан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг харажатлари параметрлари доирасида ажратсин, 2019 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрларида назарда тутсин.

8. Белгилансинки, Марказнинг чўл яйлов ўсимликларнинг уруғликларини етиштириш ва уларни чўл худудларда экиш билан боғлиқ харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан, шу жумладан, 2018 йилда 2,5 миллиард сўм миқдорда ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилад.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси инкирозга учраган яйлов майдонларининг тикланиш даврида яйлов сифатида фойдаланилмаглиги устидан доимий назорат ўрнатсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳўзуридаги Қишлоқ ҳўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш жағвармаси маблағлари ҳисобидан Филиал ва Марказда замонавий юқори технология асбоб-ускуналар билан жиҳозланган илмий лабораториялар ташкил этиш ҳамда Марказни қишлоқ ҳўжалиги техникалари билан таъминлаш учун зарур маблағлар ажратилиши;

бир ой муддатда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда "Қоракўлчилик" уюшмаси билан биргаликда қишлоқ ҳўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасаларида 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб қоракўлчилик селекциясига чўл ўсимликлари яйловшунос йўналишида сиртки бўлимини ташкил этиш юзасида асосланган тақлифлар, шунингдек, Институт тузилмасини мақбуллаштириш ва унинг фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича Ҳўкумат қарори лойихаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мағвармасига киритилишини таъминласин.

10. Белгилансинки: а) 2023 йил 1 январга қадар қоракўлчилик билан шугулланаётган субъектлар ва қоракўлчилик маҳсулотларини қайта ишлаш қорхоналари қоракўлчилик учун зарур бўлган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича импорт қилинадиган материаллар учун боғжона тўловлари тўлашдан (боғжона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилади;

б) қоракўлчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари учун ягона Ер солиғи ставкалари 2023 йил 1 январга қадар ўзгаришсиз қолдирилади;

в) республика худудида қоракўл териси ва жунини тайёрлаш ҳамда харид қилиш "Ўзбекчармпойабзали" ва "Қоракўлчилик" уюшмалари билан биргаликда бир ой муддатда қоракўлчилик билан шугулланаётган субъектлар томонидан етиштирилган қўй териси, қоракўл териси ва жунини харид қилиш, шунингдек, улarga омикхта ем, арпа, пахта шроти ва шелуҳасини етказиб бериш тизими жорий этилишини назарда тутувчи Ҳўкумат қарори лойихасини Вазирлар Мағвармасига киритсин.

12. Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Самарқанд вилоятларида қоракўлчилик соҳасида наслчилик-селекция ишларини такомиллаштириш, жаҳон бозори талабларига мос бўлган рақобатбардор қоракўл териси ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлашни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадига "Қоракўл" уюшмаларининг Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки филиалларида очиладиган махсус ҳисоб рақамлар шаклида **Қоракўлчиликни ривожлантириш жағвармалари** (кейинги ўринларда — Жағвармалар) ташкил этилсин.

13. Жағвармаларнинг асосий вазибалари этиб: жаҳон бозорида қоракўлчилик маҳсулотига бўлган талаб ва тақлифларни, қоракўлчилик соҳаси ривожланган хорижий давлатларнинг илгор тажрибаларини ўрганиш, малака ошириш масалалари бўйича маҳаллий қоракўлчи мутахассисларнинг хизмат сафарларини ташкил этиши; республика миқёсида насли қоракўл қўнкорларини ҳўжаликларро алмаштириш бўйича кўргазмали семинарлар ташкил этиш харажатларини;

қоракўлчилик соҳасида маҳаллий ва чет эл мутахассислари иштирокида кўргазмали ўқув семинарлари ўтказиши; республикада қоракўлчилик маҳсулотларини экспорт қилишда қоракўлчилик қорхоналарини қўллаб-қувватлаши;

қоракўлчиликка ихтисослаштирилган фермер ҳўжаликлари ва наслчилик қорхоналарининг моддий-техника базасини яхшилаш ҳамда қоракўлчилик маҳсулотларини қайта ишлаш қорхонасини ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки филиаллари орқали 3 йил муддатга 3 фоизли имтиёзли йиллик ставка бўйича кредит линияларини очилиши молиялаштириш ҳисоблансин.

14. Қўйдагилар Жағвармаларни шакллантириш манбалари этиб белгилансин: жисмоний ва юридик шахсларнинг, хайрия жағвармаларининг грантлари, ихтиёрий бадаллари, хорижий донорларнинг маблағлари;

Жағвармаларнинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан тушадиган даромадлар; қонун ҳужжатларида таққилланган бошқа манбалар.

Тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳамда Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Навоий вилоятлари ҳокимликларининг маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан мазкур қарорнинг 3-иловасига мувофиқ Жағвармаларнинг дастлабки маблағларини шакллантириш тўғрисидаги ташаббуслари маъқуллансин.

Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликлари 2019-2020 йиллар давомида Жағвармалар маблағларининг ўзлаштирилишидан келиб чиқиб, заруратга кўра, маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан тегишли маблағлар ажратиш чораларини кўрсин.

15. Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкига "Қоракўлчилик" уюшмаси таркибига кирувчи Бухоро вилояти худудида қоракўлчилик билан шугулланаётган қорхоналар, фермер ва деҳқон ҳўжаликларини мавжуд қоракўл қўиларининг зотини яхшилаш мақсадига четдан насли қўйлари сотиб олиш ҳамда вилоятда қоракўл териси, жунини қайта ишлаш қорхоналарини ташкил этиш, мавжудларини модернизация қилиш лойихаларини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган ставка бўйича 30 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағларини ажратиш тасвია этилсин.

16. Қоракўлчилик билан шугулланаётган тадбиркорлик субъектларига молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадига сунъий уруғлантириш пунктларини модернизация қилиш ва янгиларини ташкил этиш, четдан насли қўйлари, қоракўлчиликка ихтисослаштирилган қорхоналар, фермер ва деҳқон ҳўжаликлари учун зарур технология асбоб-ускуналарни харид қилиш, қоракўл териси ва жунини қайта ишлаш, чўл озқабоб ўсимликларини етиштиришга мўлжалланган яйловларни ривожлантириш ва уларнинг ҳосилдорлигини

ошириш билан боғлиқ лойихаларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мағвармаси ҳўзуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жағвармасидан ресурс маблағлари ажратилишига, кафиликлар берилишига ҳамда кредитлар бўйича физ харажатларини қоплаш учун компенсациялар тўлинишига рухсат берилсин.

17. "Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси, Бухоро вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки 2018 йил 1 сентябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги ПҚ-2718-сон "Озёк-овқат, чарм-пойабзал ва фармацевтика саноатидаги инвестиция лойихаларини молиялаштириш манбаларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарордан назарда тутилган кредит линиялари ҳисобидан Бухоро шаҳрида қоракўл териси хом ашёсини чуқур қайта ишлаш қорхонаси ташкил этилишини таъминласин.

18. "Узарттехсаноатхолдинги" ва "Узгролизинг" акциядорлик жамяятлари қоракўлчилик фаолияти билан шугулланувчи субъектларга чўл яйлов озқабоб ўсимликларнинг уруғликларини етиштириш ва уларни чўл худудларида экиш билан боғлиқ агротехник тадбирларни амалга ошириш учун талаб этиладиган техникаларни лизинг асосида етказиб бериш чораларини кўрсин.

19. Қоракўлпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари мазкур қарорнинг 4 ва 5-иловаларига асосан, 2018 — 2020 йилларда узок чўл худудларида қоракўл қўйлари сугориш иншоотлари (тик ва шахтали кудуқлар)ни таъмирлаш ва янгиларини қуриш билан боғлиқ харажатлари учун маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 45 миллиард сўм маблағ ажратилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, заруратга кўра, Қоракўлпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликларининг сўровига асосан, йил якунига қадар қайтариш шарт билан ушбу мақсадлар учун республика бюджетидан бюджет ссудалари ажратилишини таъминласин.

Қоракўлпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг сугориш иншоотларини таъмирлаш ва қуриш ишларининг мақсадга мувофиқлиги бўйича ўрнатилган тартибда гидрогеологик хулосалари ҳамда кудуқларни энг мақбул жойларда казиш бўйича тақлифлари асосида сугориш иншоотларини таъмирлаш ва янгиларини қуриш ишларини амалга ошириш ҳамда уларнинг сақланиши юзасидан назорат ўрнатиш бўйича масъул этиб белгилансин.

20. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Савдо-саноат палатаси, Республика "Қоракўлчилик" ва "Ўзбекчармпойабзали" уюшмалари билан биргаликда бир ой муддатда қоракўл терисини халқаро мўйна кимодий савдода реализация қилиш ва салоҳиятли чет элик шерикларни топши орқали ташқи бозорларга чиқиб, Ўзбек қоракўл терисининг халқаро миқёсидаги брендини тиклаш бўйича тақлифларни Вазирлар Мағвармасига киритсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Давлат боғжона қўмитасига, Қоракўлпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимларига, қўшни давлатларга чегарадош туманлар ҳокимларига қоракўлчилик маҳсулотларининг республика ташқарисига ноқонун оғиб чиқиб кетилишининг олдини олиш бўйича кўриладиган чора-тадбирларнинг етарли эмаслиги тўғрисида ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат боғжона қўмитаси худудий тузилмаларининг бошлиқлари, Қоракўлпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари қоракўлчилик маҳсулотларининг республика ташқарисига ноқонун оғиб чиқиб кетилиши ҳолларининг ўз вақтида олдини олиш бўйича ишларнинг аҳоли учун шахсий жаовбарлиги белгилансин.

22. Ўзбекистон Мағварот ва аборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий аборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Қоракўлчилик" уюшмаси билан биргаликда қоракўлчилик тармоғида амалга оширилаётган аборотларнинг мақсадли, моҳияти ва мазмуни аҳоли орасида мунтазам равишда кенг ёритилишини таъминласин.

23. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Т. Мирзаев, "Қоракўлчилик" уюшмаси раиси Н. Э. Юлдашев ва Бухоро вилояти ҳокими Ў. И. Барноев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 14 март

СИЁСЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ҲИСОБОТЛАРИ ЭШИТИЛДИ ВА ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИНИ КЎРИБ ҚИҚИЛДИ



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Мажлисда депутатлар сиёсий партияларнинг 2017 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитдилар. Ташқида ўтилганидек, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 июлда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ва Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувида белгиланган устувор вазибалар асосида сиёсий партиялар ўз фаолиятини тубдан кўриб чиқди ва бу фаолиятини янги аамалга оширмоқда. Чунончи, энг муҳим давлат масалаларини ҳал этишда сиёсий партияларнинг роли сезиларли даражада кучайтирилди, жойларда муаммоларни ўрганиш борасидаги ишлар фаолаштирилди, партия электоратини ташвишлантираётган долзарб муаммоларни амалий ҳал этиш йўлларини излашга доир иш-

2018 йил 15 март кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

вакиллик органларидаги ўз гуруҳлари орқали амалга оширадлар.

"Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Қонунга биноан, сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сонига қараб ўз устав фаолиятини молиялаштириш учун давлат томонидан молиялаштириш маблағларини олиш ҳуқуқига эга.

Мажлисда таъқидланганидек, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида сиёсий партияларнинг роли кучайтирилиши муносабати билан улар фаолиятда молиявий интизом муҳимдир. Ҳозирги шароитда сиёсий партиялар тасарруфига Давлат бюджетидан келиб тушадиган маблағларни самарали режалаштириш ва сарфлаш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Таъқидландики, сиёсий партияларнинг ташкилий-кадрларга оид, моддий-молиявий ҳамда бошқа ресурслари уларнинг дастурий мақсадлари ва вазибаларини амалда рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этди, бунинг учун ушбу маблағларни сарфлаш ва улarga доир ҳисоботлар шаффоф ҳамда очик бўлиши лозим.

Фракциялар аъзолари таъқидлаб ўтишганидек, бугунги кунда Ўзбекистоннинг барча сиёсий партияларида назорат-тафтиш комиссиялари ишлаб турибди, улар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлари, шу жумла-

дан, уларнинг функциялари, вазибалари ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланган.

Депутатлар эшитув давомида билдирилган фикрларни инобатга олган ҳолда, сиёсий партияларнинг 2017 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини маълумот учун қабул қилдилар.

Шундан сўнг депутатлар «Ташувчининг фуқаролик жаовбарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойихасини биринчи ўқиш доирасида муҳокама қилишга қиришдилар. Қонун лойихасининг мақсади ташувчининг фуқаролик жаовбарлигини мажбурий сугурта қилиш механизмини такомиллаштириш, барча йўловчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат органлари томонидан ушбу қонуннинг ижро этилиши устидан назоратни такомиллаштириш, шунингдек, мазкур соҳадаги ишлар самарадорлигини оширишдан иборат.

Ўтказилган назорат-таҳлил ўрганишлари якунларига кўра, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатида республика бўйича йўловчиларни ташувчи лицензияланган автотранспорт воситалари 74025 тани ташкил этди. Лицензияланган автотранспорт воситаларининг умумий сонидан атиги 22010 таси, яъни 30 фоизи сугурталанган. Ушбу кўрсаткич қонун талабларининг тўлиқ

ижро қилинмаётганлигини намойиш этмоқда ҳамда кўтарилаётган муаммонинг долзарблигини яна бир бор тасдиқламоқда.

Кўриб чиқилаётган қонун лойихасида фаолияти лицензияланши лозим бўлган, йўловчиларни ва уларнинг оид мулкни ташви бўйича тижоратга оид транспорт хизматлари кўрсатувчи юридик шахсларга ташувчининг фуқаролик жаовбарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисидаги шартномаларни уч ойдан бир йилгача муддатга тузиш ҳуқуқи берилаётганлиги, шунингдек, йўловчиларни ташви чоғида транспорт воситасини бошқараётган ҳар бир ҳайдовчи ёнида тегишли транспорт воситаси учун расмийлаштирилган сугурта полисини мавжуд бўлиши таъминланаётганлиги назарда тутилмоқда.

Депутатлар навбатдаги ҳужжат — «Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Экстремизмга қарши курашиш Конвенциясини ратификация қилиш тўғрисида»ги қонун лойихасини биринчи ўқиш доирасида кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон — МДҲдаги энг бахтли мамлакат

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида бир гуруҳ хорижий социологлар томонидан ўтказилган тадқиқот асосида "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари — 2018" (World Happiness Report) рейтингги эълон қилинди. Ўзбекистоннинг жўрадаги энг бахтли мамлакатлари — 2018" (World Happiness Report) рейтингги эълон қилинди. Ўзбекистоннинг жўрадаги энг бахтли мамлакатлари — 2018" (World Happiness Report) рейтингги эълон қилинди.

ЭЪТИРОФ

Бу беҳиз эмас. Чунки кейинги бир ярим йил ичида одамларнинг дунёқараши, тафактури ва турмуш тарзида қандай ўзгаришлар юз бераётгани ҳақида, Ўзбекистоннинг жўрадаги энг бахтли мамлакатлари — 2018" (World Happiness Report) рейтингги эълон қилинди.

аҳоли фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган чора-тадбирларга эътибор қаратилди. Айтиш жоизки, ўтган йили маъмурият тадқиқотчилар тайёрлаган рўйхатда Ўзбекистон 47-ўринни банд этган эди.

Шунинг ўзиёқ мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш йўлида олиб борилаётган ислохотлар юксак самаралар бераётганининг яна бир халқаро эътирофидир.

Ўз навбатида, рейтингдан ўрин олган айрим давлатларнинг кўрсаткичларини ҳам келтириб ўтсак. Биринчи ўринни Финляндия эгаллаган бўлса, Бурунди давлати рўйхатни якунлаб берган. Ўзбекистондан куйроқ поғонада эса айрим ривожланган мамлакатларни ҳам кўриш мумкин. Масалан, Италия 47, Япония 54, Жанубий Корея 57-ўридан жой олган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидан Латвия 53, Россия 59, Козогистон 60, Молдова 67, Туркменистон 68, Украина 138-ўринда кўрсатилган.

«Халқ сўзи» мухбири Омонулла ФАЙЗИЕВ тайёрлади.

Қарор ва ижро

Бугундан эътиборан тожикистонликлар Ўзбекистонга визасиз кириши мумкин

Шу мазмундаги хабарлар айни кунларда кўплаб хорижий оммавий ахборот воситаларининг асосий мавзуларидан бирига айланди.

Маълумки, Юртбошимизнинг Тожикистонга амалга оширган давлат ташрифи доирасида фуқароларнинг ўзаро келиб-кейтишлари тўғрисида ҳукуматларaro битим имзоланди. Унга кўра, икки мамлакат фуқаролари 30 кунгача визасиз ўзаро сафар қилишлари мумкин.

Баъзи чет эл оммавий ахборот воситаларида ушбу масала билан боғлиқ турли талқинлар ҳам пайдо бўлди. Яъни уларда қардош халқларнинг янада яқинлашуви хараёни визаларсиз тартиб ҳақидаги келишувнинг кучга кириши билан боғлиқ "расмиятчиликлар" туфайли "бир оз чўзилиши" мумкинлиги айтилди. Бироқ Ўзбекистон раҳбарининг масалаларга оқилона ёндашуви, сиёсий иродаси, қатъияти туфайли бундай шубҳаларга барҳам берилди. Аниқроғи, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Битим кучга киргунга қадар унинг қўшни давлат вакилларига нисбатан қўлланилиши юзасидан қарор қабул қилди. Шунга мувофиқ, 2018 йилнинг 16 мартдан эътиборан тожикистонликлар мамлакатимиз ҳудудида визасиз 30 кунгача бўлишлари мумкин. Бунинг учун уларга фақат амалдаги сафар ҳужжати, яъни дипломатик, хизмат ёки хорижга

чиқиш умумий фуқаролик паспорти лозим бўлади.

Хорижлик шарҳловчилар Ўзбекистон раҳбарининг ташаббусини катта воқелик сифатида эътироф этмоқда. Бундай кувончли кайфият,



энг аввало, Тожикистон оммавий ахборот воситаларида ҳукм сурмоқда. Хусусан, «Азия-плюс» ва «Авеста» ахборот агентликлари энди тожикистонликлар бемалол, ҳеч қандай муаммоларсиз қўшни давлатдаги қариндошлари ҳамда дўстларини бориб кўришлари мумкинлигини таъкидлайди. «Зодагон» агентлигининг фикрича, ўзбек ва тожик халқларини қалбдан

яқинлик бирлаштиради. Давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг илиқлашуви эса чегараолди ҳудудларида яшовчи оддий инсонлар ҳаётини осонлаштиришга хизмат қилади.

Ўз навбатида, Қирғизистоннинг «АКИ-Пресс» янгиланган қарорни Ўзбекистоннинг «Янгиланган ташки сийсати маҳсули», деб атар экан, расмий Тошкент Тожикистон билан яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга азму иродасини намоян қилганини эътироф этади.

Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси Ҳиндистон матбуотида ҳам катта ақс садо берди. Чунинчи, бу ерда нашр қилинадиган нуфузли «Economic Times» газетаси мухбирлари таъкидлаганидек, Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга давлат ташрифи «Хайратланарли даражада қисқа муддатда» ижобий натижаларни бермоқда.

Озарбайжоннинг «Тренд» агентлиги эса Ўзбекистон «Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё — биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир» тамойилини ҳаётга татбиқ қилаётганини ниҳоятда юқори баҳолади.

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

куйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича танлов савдолари эълон қилади:

ёзги камуфляж костюмлар, денгиз тўлқини рангли энги узун кўйлақлар, энги узун оқ рангли кўйлақлар, денгиз тўлқини рангли калта кўйлақлар, оқ рангли энги калта кўйлақлар, денгиз тўлқини рангли трикотаж фуфайкалар, денгиз тўлқини рангли трикотаж майкалар, оқ рангли трикотаж майкалар, ҳаворанг тусли трикотаж майкалар, оқ рангли икки чизиқли погонлар, оқ рангли бир чизиқли погонлар, сафдорлар таркиби учун оқ рангли погонлар, денгиз тўлқини рангли икки чизиқли погонлар, денгиз тўлқини рангли бир чизиқли погонлар, сафдорлар таркиби учун денгиз тўлқини рангли погонлар, буюмлар солинадиган қопча, 5 фойзли зар ип (канитель), турли хил кундалик шевронлар.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.

Талабдорлардан тижорат тақдифлари эълон чоп этилган саналдан бошлаб 15 кун мобайнида қабул қилинади. Олдиндан тўлов — 15 фойз. Етказиб бериш — буюртмачининг оморига.

Батафсил маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача куйидаги телефонлар орқали мурожаат этиш мумкин: (0-371) 255-75-12, 255-81-45, 231-31-47. Факс: (0-371) 281-43-72.

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти меҳнат жамоаси

юртдошларимизни яқинлашиб келаётган меҳр-оқибат, гўзаллик ва ободлик айёми —

Наврўз

билан самимий қутлайди!

Қадриятлар қадрланган, биродарлик ва қардошлик улугланган, инсон манфаатлари устувор мамлакатимизнинг осмони доимо мусаффо бўлсин!

Барчангизга омад, сиҳат-саломатлик, фаровонлик ҳамда бахт-саодат ҳамроҳ бўлсин!

«Ўзметкомбинат» АЖ

жамоаси

Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган баҳор ва уйғониш, янгиланиш ва яшариш айёми —

Наврўзи олам

билан муборакбод этади!

Меҳр-муҳаббат, эзгулик ва қадриятлар ўз инъикосини топган сурурбахш Наврўз кунларида энг гўзал истак ҳамда орзуларингиз амалга ошишини тилайди. Дастурхонингиздан фрайзу барака, хонадонингиздан фаробонлик ва меҳр-оқибат аримасин.

Айемингиз муборак бўлсин, азииз ҳамюртлар!

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 345. 139 974 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Тахриратга келган кўлабмақал тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғев томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.
Навбатчи — О. Файзиёв.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.10 Топширилди — 03.10 1 2 3 4 5 6